

2005 йил июлдан чиқа башлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

**Заргарларга лицензия ва гувоҳномалар бериш тезлаштирилди**


Заргарлик тармоғини тартиба солувчи бир қатор қонуности ҳужжатларига ўзгаришиш ва кўшимчалар киритилди (ВМнинг 20.02.2020 йилдаги 103-сон қарори).

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаoliyatiini лицензиялаш жараёни жадаллаштирилади. Бунга лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши муддати 10 кундан 5 кунга, қайта расмийлаштириш бўйича – 5 кундан 2 кунга (ариза қабул қилинган санадан эътиборан, уни тақдим этиш усулидан қатъи назар, таҳр. изоҳи) қисқартирилганлиги орқали эришилди.

Бу қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини олишига ҳам тааллуқлидир. Энди Асилилк дарасини белгилаш палатаси гувоҳномани бериш

ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани 5 иш куни (илгари 7 иш куни эди), қайта расмийлаштиришда эса 3 иш куни (илгари 5 иш куни эди) мобайнида кўриб чиқади. Худди аввалгидек, 1 БХМ миқдоридаги кўшимча ҳақ эвазига заргарлик буюмлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган гувоҳномаларни олишига доир мурожаатлар тезкор тартибида (тегишинча 2 ва 1 иш куни давомида, таҳр. изоҳи) кўриб чиқлади.

Шунингдек таъкидлаш жоизки, заргарлик буюмлари билан савдо қилишига доир амалдаги қоидаларга тузатишлар киритилди. Ўзгаришларнинг катта қисми бевосита Президентнинг 18.05.2019 йилдаги «Ўзбе-



кистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривоҷлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5721-сон Фармони қоидаларидан келиб чиқди. Бундан ташқари, шундай маҳсулотларни воситачилар ва интернет-дўкон орқали реализация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари қайд этилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари мъалумотлари миллий базасида (lex.uz) ёълон қилинган ва 21.02.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ташқи реклама қандай талабларга мос бўлиши керак

Ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (ВМнинг 20.02.2020 йилдаги 104-сон қарори).

Ҳужжат билан ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) умумий жойлаштириш, шу жумладан бинолар ташқи қисмидаги ўрнатиш тартиби, шунингдек шаҳар ёки ҳудудларнинг ижтимоий фаoliyati, тарихий-маданий қийматини ҳисобга олган ҳолда ўрнатиладиган обьектларнинг турлари ва қўринишларини, дизайнерлиги, ечимлари ва ўлчамларни белгиланади.

Низом талаблари қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

➢ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида аҳборот жойлаштирилган мъалумот таҳталари ва бошқа техник воситалар;

➢ реклама ҳусусиятига эга бўлмаган мъалумотлар таҳтаси;

➢ бинолар (иншоотлар) ташқарисида ва ер ости пиёдалар ўтиш жойларида (реклама ҳусусиятига эга бўлмаган) фақат афиша ва ёзлонлар жойлаштириш (тарқатиш) учун мўлжалланган техник воситалар. Бундай техник воситаларда афиша ва ёзлонларни жойлаштириш қонунчилика мувофиқ айрим ташкилотларга ёки фуқароларга юқлатилган бўлади;

➢ савдо обьекти ёки ҳизмат кўрсатиш обьекти ички тарафида маҳсулотни сақлаш, кўчириш, қадоқлаш, намоиш этишига мўлжалланган реклама қўринишлари мебель, инвентарь, асбоб-ускунапар ва бошқа техник воситалар.

Низом билан тасдиқланган талабларни амалга ошириш бўйича ваколатли органлар этиб туман (шаҳар) ҳоқимликлари белгиланган.

Ташқи реклама фаoliyati юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилади. Республика ҳудудида ўрнатилган ташқи реклама обьектлари (конструкциялари) мавжуд биноларнинг ташқи меъморий қўринишига мос келиши, уларни жойлаштириш жойлари эса ҳудудий режалаштириш схемасига мувофиқ бўлиши керак. Ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) уларга реклама ёки аҳборот хабари ёки тасвири жойлаштирилсанда ўрнатишга ва фойдаланишга ўйлайтилган.

Ташқи реклама обьектлари (конструкциялари) реклама жойининг паспорти ва техник ҳизматлари мавжуд бўлганда ўрнатилади. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш зонасида иш олиб боришида, обьектлар (конструкцияларини) ўрнатишда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши керак.

Ташқи рекламани ўйл четидаги маҳсус ҳудудда ўрнатишида ажратувчи йўллакларда ва йўл четидан 1 метр ва ундан кам бўлган масофада жойлашган ташқи реклама обьектлари (конструкциялар) ҳайдовчи ва пиёдалар учун кўришни чекламаслиги лозим. Реклама майдонининг пастки четидан ўйл копламаси юзасигача бўлган масофа 5 метрдан кам бўлмаслиги ва техник воситати конструкцияси транспорт воситалари ҳайдовчилари учун кўришни чекламаслиги лозим.


Қуйидаги жойларга алоҳида турган обьектларни (конструкцияларни) ўрнатиш тақиқланади:

➢ троллейбусларни алоқа тармоқлари мавжуд бўлганда, уларнинг йўлга чиқиши қисмига;
➢ қатон қисмидаги пиёдалар йўлакчаларида;
➢ жамоат транспорти бекатларида;
➢ йўл ва кўчалар четларида 5 метрдан паст баландликда;

➢ бевосита туннелларга кириш ва чиқиш жойлари ёнида ва улардан 5 метрдан яқин бўлмаган масофа.

Реклама конструкциясини ўрнатиши (монтаж қилиш), ундан фойдаланиш ва олиб ташлаш бўйича ишлар конструкция эгаси томонидан ер участкаси, бино ва бошқа мулкнинг мулкдори (балансда сақловччиси) ёхуд ушбу мулк эгаси томонидан ваколатланган шахс билан, электр таъминоти тармоқларига уланганда эса электр таъминоти линияларида ташқи ёритиш тармоқлари ускуналаридан фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Реклама жойининг паспорти Давлат ҳизматлари марказларига ариза ёзиш орқали олиниади. Бунда барча зарур ҳужжатлар ва келишивлар тегишини давлат ҳизмат қўрсатиш марказлари томонидан мустақил равишда жамланади. Ташқи реклама обьектлари (конструкциялари) реклама майдонининг паспорт рақами ва обьект эгасининг алоқа мъалумотларини



6-БЕТ

Консуллик рўйхатини юритишга доир

7-БЕТ

Ҳисоблагичлар нотўғри ишлаши мумкинми?

8-БЕТ

Нотурар жой ижарага олинганди

Ташқи реклама қандай талабларга мос бўлиши керак

1-бетда

курсатган ҳолда расмийлаштирилиши керак. Ўлчами 500 кв.см дан кам бўлган ташқи реклама учун ҳақ ундирилмайди.

Осима восита сим арқонли мослама ва бевосита реклама майдонидан иборат. Сим арқонлар устунларга ёки осима восита учун маҳсус ўрнатилган маҳкамлашнинг техник имкониятига эга бино ва иншоотларга маҳкамланади. Улар фақат ваколатли орнанинг руҳсати олингандан сўнг жойлаштирилади ва шаҳар ёритиш тармоли устунларига уланмайди. Йўл устига осима транспарантлар ўрнатишга руҳсат этилмайди.

Кўрсатичлар кўринишидаги реклама воситалари фақат юридик ёки жисмоний шахс ҳақида ахборот бериши, яъни ушбу корхонанинг эмблемаси ёки фирма белгисини, номини ва мазкур ташкилот жойлашган манзилини акс эттириши мумкин. Корхона, маҳсулот ёки хизматлар тўғрисидаги бошқа маълумотларнинг мавжудлиги ташқи реклама ҳисобланади. Кўрсатичлар юридик ва жисмоний шахслар жойлашган жойни акс эттириш учун уларнинг жойлашган жойидан 500 метргача масофага ўрнатилиши мумкин. Ахборот

курсатичларининг ўлчами 3 кв.метр ва узунлиги 2 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ахборот ва reklama воситалари пешлавҳалар ва ахборот воситаларидан (ахборот конструкцияларидан) иборат бўлади. Сутканинг қорони вақтида пешлавҳалар ёритилиши мумкин. Пешлавҳанинг ўлчами бинонинг мазкур пешлавҳа ўрнатиладиган томони майдонининг 5%идан катта бўлиши мумкин эмас. Ҳажми 5,5 кв.м гача бўлган пешлавҳалар ташқи reklama объекти ҳисобланмайди. Пешлавҳаларда корхонанинг номи, жойлашган жойи, иш тартиби акс эттирилиши мумкин.

Ахборот пешлавҳалари бинонинг деворида корхонага кириш жойи ёнида ёки кириш эшигига жойлаштирилиши мумкин. Ахборот пешлавҳасининг ҳажми 1,0 кв.м дан ошмаслиги керак. Умуми оқиатларни корхоналарнинг ахбороти улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар билан истеъмолчиларни таниширишга мўлжалланган мажбурий ахборот: меню, прейскурантлар, хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар бинонинг ичкарисида ёки олд деворида жойлаштирилади, ҳажми 2 кв.м дан ошмаслиги керак.

Ташқи reklama обьектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган театр ва концерт плакатлари, маданий тадбирлар, спорт ва бошқа тадбирлар, турилеклама эълонлари ташқи reklama ҳисобланади. Уларнинг жойлаштирилиши қабул қилинган хужжат талабларида мос келиши керак. Умумий майдони 2 кв.м дан кам бўлган театр ва концерт плакатлари ташқи reklama жойлаштириш учун тўловлардан озод этилади.

Тасдиқланган Низомда ҳажмдор reklama конструкцияларини, байроқ композицияларини, биноларнинг томи ва деворларида, шаҳар мебель обьектларида (бекатлар, тумбалар, таксофонлар), мобили обьектларда ўрнатиладиган конструкцияларни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган. Шунингдек айрим reklama турларига, reklama обьектларини (конструкцияларини) жойлаштиришга доир талаблар, reklama обьектлари (конструкциялари) эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган.

Хужжат Қонун хужжатлари мәълумотлари миллий базасида ([lex.uz](#)) эълон қилинган ва 21.02.2020 йилдан кучга кирди.

Анвар Иркакходжаев.

ХАБАР

QR-online – терминалсиз ишлаш имконини беради

Лаҳзалик тўловлар сервиси
Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда ишга туширилди, деб хабар берди МБ матбуот хизмати.

Савдо-сервис корхоналари (хўжалик юритувчи субъектлар) сервисга уларга хизмат кўрсатувчи банклар орқали уланган ҳолда QR-кодни (Quick Response Code – тез аниқланадиган код) шакллантиришида ва рўйхатдан ўтказиши.

Харидорлар пуллик хизматлар етказиб берувчининг мобили иловасида сотувчи кодини сканер қилиш ва харид суммасини киритиш йўли билан товарлар ва хизматларга ҳақ тўйайдилар. Пуллар иловага боғланган банк карталари ва электрон ҳамен ҳисобвақартиришади олини олиниади.

Банк шахсий кабинети орқали «Telegram»да @[onlineqrbot](#) каналида онлайн режимда ёки СМС-харбонома йўли билан маблагларнинг келиб тушишини кузатиб бориш мумкин.

Хизмат товарларни етказиб бориш ва йўловчилар ташиб соҳаларида фаолият кўрсатувчи ташкилотларда терминалдан фойдаланмасдан QR-код ёрдамида тўловларни қабул қилишнинг энг қулай воситаси сифатида талабири бўлади. Тошкент шаҳрида 3 мингдан ортиқ QR-стикерлар тақдим этилди.

[norma.uz](#)

Бўstonliq туманида мол-мулкни ижарага бериш ва солиқ солиши соддалаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 20.02.2020 йилдаги 107-сон қарорида Тошкент вилоятининг Бўstonliq туманида солиқ солиши обьектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмурячилиги бўйича тажриба ўтказилиши назарда тутилган.

Тажриба ўтказиш мақсади – солиқ тўловчиларни ҳисобга олишини соддалаштириш, савдо ва хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда аҳоли бандигигини таъминлаш, истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш.

Тажриба ўтказиладиган даврда – 2020 йил 1 майдан 2021 йил 1 майгача – Тошкент вилоятининг Бўstonliq туманида:

➢ жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулк обьектлари ва бошқа мол-мулк солиқ органларининг таянч пунктлари томонидан ҳисобга кўйишида бепул бериладиган гувоҳнома асосида ижарага берилади. Дам олиш уйлари, дала ҳовли, якка тартибида қурилган уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар кўчмас мулк обьектлари жумласига киритилади, қарорга иловада кўрсатилган сув транспорти турлари ва мотоцикллар, қорда юрадиган техника воситалари, квадроцикллар, парапланинг дельтапланлар, топчанлар бошқа мол-мулк ҳисобланади;

➢ гувоҳномалар берилиши билан бир вактда ДСҚ-нинг ягона электрон платформасига мобил илова ёки веб-сайт орқали бу ҳақдаги маълумотлар киритилади. Бунда ижарага бериш шартномасини тузиш ва уни солиқ органларида ҳисобга кўйиш талаб этилмайди;

➢ кўчмас мулк обьектлари ва мол-мулк маҳсус чеклар тақдим этиш орқали ижарага берилади ҳамда белгиланган солиқлар тўланган тақдирда, олинган даромадлардан нақд пулни банкка топшириш мажбурий ҳисобланмайди ва ихтиёрий амалга оширилади;

➢ ҳисобга кўйилгани тўғрисидаги гувоҳномасиз кўчмас мулк обьектлари ва мол-мулкларни ижарага бериш ёхуд маълумотларни ягона электрон базага киритмаслик солиқларни тўлашдан бўйин товлаш деб ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлади;

➢ гувоҳнома асосида кўчмас мулкни ва мол-мулкларни ижарага бериш билан шугулланадиган жисмоний

шахслар тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтиши шарт эмас ҳамда уларнинг даромадларига белгиланган тартибда декларация асосида солиқ солинади.

Юқорида санаб ўтилган қоидлар тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда меҳмон уйлари хизматлари кўрсатадиган ва айрим мол-мулк турларини ижарага бериш билан шугулланадиган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

Газалкент шаҳри, Дўстлик, Сижак ва Новобод маҳалла фуқаролар йигини ҳудудларида 4 та солиқ органлари таянч пунктлари ташкил этилади, улар штатидаги умумий ходимлар сони 30 нафар бўлади. Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда таянч пунктлари учун ер участкалари ажратиш масаласини ҳал этади. Таянч пунктларини куриш ҳамда уларни жиҳозлаш ДСҚнинг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш маҳсус жамғармаси, шунингдек пойтахт вилоятининг маҳаллий бюджети маблаглари ҳисобидан алмага оширилади.

ДСҚга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда электрон платформа ва мобил илованинг яратилишини ва ДСҚ маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминлаш тоширилди. Бир ой муддатда гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш тартиби тўғрисида вақтингчалик низом ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, солиқ таянч пунктлари ходимлари учун мазкур қарорда назарда тутилган обьектларини ҳисобга олиш ва уларга солиқ солиши бўйича курслар ташкил этилади.

Хужжат Қонун хужжатлари мәълумотлари миллий базасида ([lex.uz](#)) эълон қилинган ва 21.02.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги хужжатларни тақдим этамиш
- Пенсия учун 2005 йилдан кейинги стаж автоматик тарзда тасдиқланади

1-3-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДЛАРИ

- МЧЖнинг устав фондини бошқа МЧЖ мол-мулки ҳисобига ошириш
- Муассиси алмаштириш: жараённинг ўзига хос жиҳатлари

- Ижара шартномаси: қачон рўйхатдан ўтиш зарур

- Лимитдан ошдими – тўланг!

- Ҳисобот – давлат сири эмас

- Расмий иш юритуда давлат тили

- Ишончномадаги муҳр

3, 8-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Отохлантириш муддати ўрнига пуллик компенсация

- Вақтинча олинган ходимни ишда қолдириш

- Устамани бекор қилиш – интизомий жаёз эмас

- Мажбуриятларни юклаш ҳужжатлар

билан расмийлаштирилади

- Дағн маросими учун нафақа

- Ногирон учун иш

4-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

- Хорижда бўлган фуқароларнинг консулил рўйхати қандай юритилади

6-бет

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

- Ҳисоблагич «тескари» ишлаганда нима қилиш керак?
- Ҳисобига олиш усуналари нотўғри ўнатилган ҳолат учун 12 маслаҳат

7-бет



МЧЖнинг устав фондини бошқа МЧЖ мол-мулки ҳисобига ошириш

Иккита МЧЖ ҚҚ шаклидаги битта муассисга эга. Муассис бино ва ускуналарни 1-МЧЖдан 2-МЧЖга устав фондини ошириш тариқасида ўтказмоқчи. Кадастр 1-МЧЖга расмийлаштирилган.

Муассис шундай қилиши мумкинми?

- ҚҚ МЧЖ биноси ва ускуналарини устав фондига ўз ҳиссаси сифатида ўтказа олмайди, сабаби уларга бўлган мулк ҳукуқига унга берилмаган.

Бинони (ускуна) жамият устав фондига ҳисса сифатида куйидаги 2 усулда бериш мумкин:

1) 1-МЧЖ – бино мулқори 2-МЧЖ муассиси бўлади ҳамда кадастр ҳужжатларини 2-МЧЖга қайта расмийлаштирган ҳолда бино ва ускуналарни устав фондига ҳисса сифатида кирилади;

2) ҚҚ бинога эгалик ҳукуқини ўзи га олади (дивидендлар қўринишида, олди-сотди, ҳадя йўли билан) ва уни 2-МЧЖнинг устав фондига кўшимча ҳисса сифатида киритади (Низомнинг 38, 39-бандлари, ВМнинг 29.12.2018 йилдаги 1060-сон қарорига 1-илова). Мазкур ҳолатда дастлаб бинони ҚҚга, сўнгра 2-МЧЖга расмийлаштириш лозим.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Пенсия учун 2005 йилдан кейинги стаж автоматик тарзда тасдиқланади

Пенсияни расмийлаштириш учун 2005 йилдан бошлаб амалга оширилган меҳнат фаолияти бўйича стажни тасдиқлашнинг янги тартиби Президентнинг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони билан белгиланган (Фармон матни «СБХ» мазкур сочининг ҳужжатлар пакетида берилмоқда).

Эслатиб ўтамиз, шу йилдан бошлаб «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурй-аппарат комплекси (ЯММТ) жорий қилинган. Унда шакллантириладиган меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар фуқароларнинг 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун меҳнат стажларни тасдиқлайди.

Энди 2005 йилдан 2020 йилгача бўлган давр учун стажни тасдиқлашнинг янги тартиби белгиланди. Архив маълумотларини тақдим этмаган ҳолда пенсия тайинлаш учун:

➤ 2005–2016 йиллар даври учун - жамгарилиб бериладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

➤ 2016–2018 йиллар даври учун -Бюджетдан ташқари пенсия жамгарасига ўтказилган сугурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишининг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;


➤ 2019 йил учун – фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу даврлар учун архив маълумотлари факат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмагандан ёки фуқаронинг мурожаати асосида талаб қилиниши мумкин. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда кўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқароа пенсия минимал микдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

2005 йилгача амалга оширилган меҳнат фаолияти бўйича стажни тасдиқлаш тартиби, чамаси, илгаридек колади: юзоз шаклидаги меҳнат дафтарчаси асосида. Агар меҳнат дафтарчаси бўлмаса, унда зарур ёзувлар мавжуд бўлмаса ёки меҳнат даврлари тўғрисида хотигури ва ноаик ёзувлар бўлса, бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар: маълумотномалар, бўйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобвакоҳлар ва иш ҳақи беришга қайдномалар, меҳнат шартномалари (контрактлари), архив маълумотномалари ва ҳокозо қабул қилинади.

Уч ой муддатда:

➤ ЯММТ орқали 2020 йилгача бўлган давр учун маълумотларни йигиш ва рақамлаштириш мақсадида манбаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинади;



➤ пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилади. Хусусан, пенсия тўловларини автоматик тарзда ҳисоблаш ҳамда фуқаролар ўзларининг пенсиялари тўғрисидаги ахборот билан танишишлари механизми ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, ҳужжат ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтичалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш юзасидан топширикни ўз ичига олган. Шунингдек, фрилансинг (масофадан турб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.03.2020 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

WWW.norma.uz

Мажбуриятларни юклаш ҳужжатлар билан расмийлаштирилади

Электрон мөхнат шартномалари ва мөхнат дафтарчалари тизими билан ишлашда ходимга мажбуриятларни юклаш тўғрисида бўйруқ чиқариш зарурми?

— Иш берувчи ёзма шаклда тегишли қарорни расмийлаштириш йўли билан «ЯММТ» ИДАКга кириш ҳукуқига эга бўлган масъул шахсларни белгиланиш шарт (Низомининг 8-банди, ВМнинг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарорига 1-ловса).

Бу бўйруқ фармойиш ёки мазкур иш топширилётган шахснинг лавозим йўрикномасида алоҳидан банд билан ёхуд иш берувчи томонидан тасдиқланган лавозим йўрикномасига қўшимча киритиш тарзида белгиланиши мумкин. Мажбурият ходим билан тузиленган мөхнат шартномасида ҳам қайд этилиши мумкин.



Дафн этиш маросими учун нафақа

Ходим 22 кунлик фарзандининг вафот этганини тўғрисида ФХДЕ органлари томонидан берилган маълумотноманинг асл нусхасини тақдим этди. Нафақа белгиланадиган шахслар рўйхати мавжуд. Ундағи бандлардан бирда бола бир ҳафталик бўлганига қадар вафот этиши ҳолати қайд этилган (ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-ловса). Бироқ мазкур ҳолатда бола 22 кунлик бўлган.

Бундай ҳолатда иш берувчи дафн этиш маросими учун нафақани тўлаши лозимми ва қандай миқдорда берилади?

— Ҳа, тўлаши лозим.

Мөхнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа тўланишини кафолатланган (МК 288-м.). Боланинг 22 кунлигига вафот этганини ҳолати ходим ёки унинг қарамогидаги оила аъзоси вафот этганини ҳолатига тўғри келади ва корхона нафақа тўлаши лозим (Низомининг 5-банди «в» кичик банди, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-ловса).

Ҳәттининг биринчи ҳафтасида вафот этган ёки ўлик туғилган (перинатал ўлим) болани дафн этиш учун нафақа давлат бюджети маблаглари ҳисобидан тўланади (26.12.2018 йилдаги ПК-4086-сон қарориниң 28-банди).

Нафақа учун унга бўлган ҳуққ юзага

келиндан кейин 60 кун мобайнида муражаат қилиш мумкин. БХМнинг 4 баравари миқдорида нафақа тўланади (Низомининг 9, 10-бандлари).

Нафақа тайинлаш учун ариза ходимнинг асосий иш жойи бўйича тақдим этилади. Ушбу ариза нафақа тайинлашни учун асос бўлади. Унга қўйидагилар илова қилинади (Низомининг 31-банди):

➢ ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асп нусхаси;

➢ марҳумнинг ходим билан қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган ҳужжат (туғилиш ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар);

➢ ариза берувчи паспортининг нусхаси.

Эълон

«Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳукуқка оид мавзулардаги саволларнингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари мувалифлари жавоб берадилар.

Жавобларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахбороти киоскасидан топасиз.

Саволларни қўйидагича бериш мумкин:

✓ аввал norma.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



Ташкилот III гурӯх ногиронлиги бўлган шахсни мұхандис лавозимига ишга қабул қилимоқчи. Ногиронлик бўйича маълумотномада 17.09.2019 йилдан 17.09.2020 йилдаги III гурӯх ногиронлиги кўрсатилган иш ҳажми билан ишлашига руҳсат этилган.

Бу ҳақда бўйруқ ва у билан мөхнат шартномаси қандай расмийлаштирилади?

Унга қандай иш жадвали белгиланади?

Ногирон учун иш

— Ишлайдиган III гурӯх ногиронлари учун имтиёзлар I ва II гурӯх ногиронларiga тақдим этилган имтиёзлардан фарқ қиласди.

ТМЭКнинг тавсияларига мувофиқ иш берувчи III гурӯх ногиронига тўлиқисиз иш вақти режими ўрнатилиши (МК 220-м. 2-к.) ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўлаши ҳамда иш юкламасини камайтириши лозим (МК 119-м.). Нормал давомийликдан кам ишланган вақт тўлиқисиз иш куни ҳисобланади: бу тўлиқисиз иш куни ёки тўлиқисиз иш ҳафтаси бўлиши мумкин.

Ишга қабул қилишда ушбу мажбурият мөхнат шартномасида ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги бўйруқда акс эттирилиши лозим. Иш юкламасининг камайтирилиши тўғрисида лавозим йўрикномасида кўрсатилади. Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташҳарни ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга фақат уларнинг розилиги биланнинг жалб қилиш мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Мажбурий шарт: улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлиши керак (МК 220-м. 5-к.).

Бундай ходим билан белгиланган ногиронлик гурухи муддати тугагунига қадар муддатли мөхнат шартномасини тузиши тавсия этамиш. Кўрсатилган санадан кейин ТМЭКнинг янги холосасига кўра янги мөхнат шартномасини тузиши ёки амалдаги мөхнат шартномасига тегиши ўзгартиришлар (мөхнат шартномасининг янги муддати ва янги мөхнат шартларини) киритиш мумкин.

Мөхнат шартномаси бандлари намуналари

— СОНЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш. _____ “_____” 2020 й.

1. _____ масъулнинг чекланган жамият бундан бўён «Иш берувчи» деб аталауви _____ тимсолида ва _____ (ходимнинг Ф.И.О.) бундан бўён «Ходим» деб номлануви, биргаликда «Томонлар» деб номланувишлар кўйидагилар тўғрисидаги ушбу Шартномани туздилар:

2. Ходим _____ МЧЖга мұхандис лавозимига 2020 йил «_____» дан ишга қабул қилинади.

3. Шартнома асосий иш жойи бўйича тузилган шартнома ҳисобланади.

4. Шартнома муддати: 2020 йил 17 сентябрьгача.

5. Синон муддати: белгиланмаган.

8. Иш берувчи қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

8.1. ҳаёғиз ва самарали ишлаш учун шарт-шароит яратиш: Ходимнинг иш жойини мөхнатни муҳофаза қилиш ва техник ҳаёғизларни бўйича жиҳозлаш – Ходимга ёнгиг ҳаёғизларни техникаси бўйича ўйл-йўрик кўроатиш;

8.8. корхонадаги тўлиқ иш юкламаси учун назарда туттилган штат жадвали мувофиқ лавозим маошибдан келиб чиқиб ишланган вақтга мутаносиб равишда ойлик иш ҳақи тўлаш. Бунда мазкур иш ҳақининг миқдори қатъий белгиланмайди, Иш берувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари қарорларига биноан иш ҳақи оширилиши мумкин.

9. Ходим касаллигининг умумий сабабларига кўра III гурӯх ногирони ҳисобланади, унга ТМЭК комиссиясининг 17.09.2019 йилдаги қарори билан мөхнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ногиронларга таалукли нормаларига риоя этган ҳолда мутахассислиги бўйича ишлаш тавсия этилган. Ходимга қўйидагилар белгилансин:

9.1. Иш куни тартиби: ҳафтасига _____ соат (ёки беш кунлик иш ҳафтасига _____ соатлик иш куни).

Бўйруқ намунаси

«III гурӯх ногиронини майян муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида»

1. Касаллигининг умумий сабабларига кўра III гурӯх ногирони бўлган, ТМЭК комиссиясининг 17.09.2019 йилдаги қарори билан мутахассислиги бўйича ишлаш тавсия этилган ходим _____ (Ф.И.О.) 2020 йил «_____» дан мұхандис лавозимига ишга қабул қилинсин.

2. _____ га (Ф.И.О.) мөхнат шартномаси муддати 2020 йил «17» сентябрьгача этиб белгилансин, шунингдек мөхнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ишлайдиган ногиронларга таалукли нормаларга риоя этган ҳолда ва ТМЭК холосасига кўра ходимнинг розилиги билан: ишланган вақтга мутаносиб мөхнат ҳақи тўланган ҳолда (ЎзР МК 119, 220-м.) _____ иш режими (режим қайд этилади) белгилансин.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.



Огоҳлантириш муддати ўрнига пуллик компенсация

Штат қисқартирилганда ходим 2 ой ишлаб бермасликка қарор қилинади

— Штат қисқартирилганда 2 ойлик огоҳлантириш муддати тугамасдан меҳнат шартномаси фақат ходимнинг ёзма розилиги билан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинади (МК 100-м. 2-к. 1-б.).

Огоҳлантириши таомини огоҳлантириш муддатига ёки муддатнинг қолган қисмига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Яъни компенсация ходим огоҳлантириш даврида олиши мумкин бўлган иш ҳаки мидорига мувофиқ

келиши лозим. Унинг миқдори вақтбай ишлайдиган ходимлар учун белгиланган устамаларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ишбай ҳақ оладиган ходимлар учун иш бирлиги учун амалдаги тўлов микдорлари асосида лавозим машидан (ўртacha ойлик иш ҳақидан эмас) келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ходим билан иш берувчи ўтасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин (МК 102-м. 2-к., 109-м.).

МИСОЛЛАР.

1. Ходим огоҳлантириши олиши билан 2 ой ишлаб бермасдан ишдан дарҳол бўшашини маълум қилди – унга бутун огоҳлантириш даври, яъни 2 ой учун пуллик компенсация тўланади.

2. Ходим огоҳлантирилгандан кейин бир ой ўтгач ўзига иш топди ва корхона раҳбариятига мурожаат қилиб у билан меҳнат шартномасини огоҳлантириш муддати тугашидан олдин бекор қилишини ва қолган бир ойни пуллик компенсация билан алмаштиришини сўради – унга 1 ой учун пуллик компенсация тўланади.

Огоҳлантириш муддати давомида, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камиди 1 кун шу вақт учун иш ҳаки сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳукуки берилади (МК 102-м. 6-к.).

Огоҳлантириши муддати ўрнига ходимга тўланадиган пуллик компенсация иш берувчини кўйидагиларни тўлашдан озод этмайди:

➤ барча ишланган кунлар учун ходимга тўланиши лозим бўлган иш ҳаки, меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ҳисобга киритилади (МК 110-м.);

➤ фойдаланилмаган таътиллар учун компенсация, улар мавжуд бўлганда (МК 151-м.)

➤ ходимларни ишдан бўшатиша корхонанинг локал ҳуқоқатларида ёки меҳнат шартномаларида назарда тутилган тўловлар;

➤ ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиша нафақаси (МК 109-м.);

➤ иш қидириш даврининг иккичи ой учун ўртacha ойлик иш ҳаки (МК 67-м.);

➤ ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтса, 3-ой учун ҳам ўртacha иш ҳаки (МК 67-м.);

➤ муддатли меҳнат шартномасида иш берувчининг ташабbusi билан уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун неустойка тўлаш шарти назарда тутилган бўлса, неустойка (МК 104-м.).

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талпимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Реклама

NORMA

Вақтинча олинган ходимни ишда қолдириш

Спорт мактабида асосий иш жойи бўйича тўлиқ ставкада ишлайдиган шифокор (1-ходим) болани 3 ёшгача парваришилаш таътилига чиқди. З ўтгач таътилдан қайтди ва 0,5 ставка иш юкламаси белгилашни сўрайяпти. У таътилда бўладиган даврга муддатли меҳнат шартномаси бўйича тўлиқ ставкада шифокор (2-ходим) ишга қабул қилинган.


Асосий ходимнинг ўрнига ишлайдиган ходимни ўриндошлик бўйича иккичи ярим ставкада ишда қолдириш мумкини?

— Мумкин.

1-ходимнинг илтимосини инобатга олган ҳолда ҳамда унинг розилиги билан болани парваришилаш таътилдан қайтган кундан бошлаб меҳнат шартномасига кўшимча битим тузуб ва тегишили бўйруқ чиқариб, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартиришингиз лозим (МК 88-м., 96-м. 7-к.).

Асосий ходим ишга чиқсан пайтдан бошлаб 2-ходимнинг меҳнат шартномаси шартларини худди шундай тартибда ўзгартиришингиз, яъни у бўш иш жойи бўйича 0,5 ставкага ишга олинган деб хисоблашингиз мумкин.

2-ходим билан тузилган меҳнат шартномасини муддати тугаши билан бекор қилишингиз (МК 105-м.) ва янги шартлардаги меҳнат шартномаси бўйича уни ўриндошлика ёки асосий иш жойига 0,5 ставкага ишга қабул қилишингиз мумкин. 2-шифокорни ўриндошлик бўйича ишга олинганини фақат у асосий иш жойига эга бўлганда ва у ердан бу ҳақда маълумотнома тақдим этганда расмийлаштириш лозим (МК 80-м. 1-к.).



Устамани бекор қилиш – интизомий жазо эмас

Меҳнатни раббатлантириши мақсадида ишлаб чиқариш корхонаси бўлинмасининг барча ходимларининг иш ҳақига ойлик шахсий устамалар белгиланган. Бир ходим меҳнат интизомини бузганилиги аниқланди (техник хужжатларни расмийлаштиришда хатога ўйл кўйган, иш вакти тугамасдан ишдан кетиб қолган).

Раҳбар уни шахсий устамадан маҳрум этишга қарор қилди. Ходимдан тушунтириши хатини ёзиш талаб қилинди. Ички меҳнат тартиби қодаларига мувофиқ ишга келмаслик меҳнат интизомини қўпол тарзда бузишига киради, бундай ҳолат бир марта қайд этилганда ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Шахсий устаманинг бекор қилиниши интизомий жазо чораси ҳисобланадими? Ушбу ҳаракат учун ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкини? Кандай хужжатлар расмийлаштириши лозим?

— Ходимларнинг иш ҳақига шахсий устамалар ва интизомий жазо чоралари ҳар хил нарсалардир.

Саволда айтиб ўтилган:

➤ техник хужжатларни расмийлаштиришда хатога ўйл кўйиш меҳнат интизомини бузиши ҳисобланмайди, бироқ ходимни иш ҳақига устамалардан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Шахсий устамалар меҳнат учун раббатлантириши тусидаги тўловларга кирмайди. Уларнинг бекор қилиниши интизомий жазо чораси ҳисобланмайди (МК 180-м. 3-к., 181-м.).

Ходимларнинг иш ҳақига шахсий устамалар меҳнатта ҳақ тўлаш тизими ёки корхонанинг локал ҳуқоқатлари билан белгиланади ҳамда шундай тартибда бекор қилинади;

➤ иш вақти тугамасдан ишдан кетиб қолиш меҳнат интизомини бузиши ҳисобланади.

Ходимга меҳнат интизомини бузганилиги учун меҳнат шартномасини бекор қилишгача интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин (МК 181-м.).

Ходим интизомий жазо устидан шикоят қилишга ҳақли (МК 184-м.).

Хорижда бўлган фуқароларниң консуллик рўйхати қандай юритилади

Ташки ишлар вазирининг бўйруғи билан (AB томонидан 10.02.2020 йилда 3218-сон билан рўйхатдан утказилган) Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўгрисидаги йўрикнома тасдиқланди.

Хорижда доимий яшаётган ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатига олиниши лозим.

Консуллик рўйхатига олиниши учун фуқаролар куидаги шахсни тасдиқловчи хужжатлардан бирига эга бўлишлар керак:

➤ **Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти** – Ўзбекистон Республикаси худудида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, паспорт эгасининг шахсий биографияни маълумотлари ва биометрик параметрлари сақланган электрон ахборот ташувчига (чипга) эга бўлган хужжат;

➤ **Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиши биометрик паспорти** – хорижга чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудига кириш, шунингдек, хорижда туриши вақтида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, паспорт эгасининг шахсий биографияни маълумотлари ва биометрик параметрлари сақланган электрон ахборот ташувчига (чипга) эга бўлган хужжат;

➤ **Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг нобиометрик намунаидаги паспорти** – мамлакат худудида 2019 йил 31 декабргача, хорижий давлат худудида эса амал қилиш мuddати тугагунга қадар эгасининг шахсини ва Ўзбекистон фуқаролигини тасдиқловчи хужжат;

➤ **Фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик харакатланиши хужжати** – фуқаролиги бўлмаган шахслар учун.

Ўзбекистоннинг чет давлатда таъсис этиладиган дипломатик ваколатхонасасининг консуллик бўлими, бош консулхонаси, консулхонаси, вице-консуллиги ва консуллик агентлиги консуллик муассасаси хи-собланади.

Консуллик рўйхатига (доимий, вақтинча) консуллик муассасасининг ўзида ёки интерактив консуллик хизматлари веб-порталida (www.consulate.mfa.uz) олишлари мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий консуллик ҳисобига олиш учун консуллик йигимлари консуллик ҳисобатини амалга оширилганлиги билан бўлгик ҳақиқий харажатларниң ўрнига қоплаш ҳисобидан йигимлар ундирилди (*Тариф, 24.12.2013 йилдаги ПҚ-2095-сон қарорга 3-шовга*). 16 ёшга тўлмаган болаларни рўйхатга олиш учун консуллик йигимлари ундирилмайди.

Доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобига олингандан кейин ҳисоб маълумотларига ўзгаришлар (Ф.И.О., яшаш манзилини ўзгариши ва шу кабилар) киритилганда рўйхатта олиш варақасига (электрон рўйхатта олиш варақасига) тегишли қайдлар ва қўшимчалар киритилади. Электрон рўйхатта олиш варақалари Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Ягона автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими (кейинги ўринларда – ЯҲХТ) маълумотлар базасида сақланади.

Хорижда доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаси рўйхатига олиниш учун қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

➤ интерактив хизматлар веб-портали орқали белгиланган шакл бўйича тўлдирилган электрон рўйхатта олиш варақаси (бундай имконият бўлмаганда ариза ва рўйхатга олиш варақаси белгиланган шакллар бўйича тўлдирилади);

➤ шахсни тасдиқловчи хужжат;

➤ 16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилганлик тўгрисидаги гувахномасининг (биометрик паспорт, нобиометрик паспорт, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва харакатланиши хужжати бўлмаганда) асли;

➤ ота-онасидан бирининг нобиометрик паспорти-даги бага ҳақидаги маълумотлар киритилган саҳифаси нусхаси (бундай қайд мавжуд бўлса);

➤ чиқиб кетиш варақасининг ёки миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси томонидан берилган биометrik ёки нобиометрик паспортра ёпиштирилган «Doimiy yashashga ketishga ruxsat berildi» ёзувли стикернинг нусхаси;

➤ хорижий давлатда бўлиб туришининг қонунийлигини тасдиқловчи хужжат (виза, яшаб туриши хужжат, вақтинча яшашига руҳсатнома, паспордаги қайдлар, маълумотномалар ва шу кабилар);

➤ 3 x 4 см ўлчамдаги 1 дона фотосурат (электрон рўйхатта олиш варақасини тўлдиришининг имкони бўлмаганда);

➤ консуллик йигими ва ҳақиқий харажатларниң ўрнига қоплаш хисобига йигимлар тўлгангани тўрисида квитанция.

Хорижга вақтинча яшашиб учун чиқиб кетган ҳамда хорижда доимий яшашига қарор қилган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар келгусида доимий консуллик рўйхатига қўйиш учун консуллик муассасасига мурожаат қилишлари мумкин.

Хорижга хизмат сафарига, ўқишига, даволанишга, ислаш ва ўз оиласи билан бирлашиш учун чиқиб кетган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар 6 ойдан ортиқ мuddатга борган бўлса, вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар. Хорижга сайдеч сифатида, шахсий ишлари ёки бошқа мақсадларда 6 ойдан ортиқ бўлмаган мuddатга чиқиб кетган, шунингдек мамлакат орқали транзит ўтиб кетаётганлар консуллик рўйхатига олинмайди.

Вақтинча консуллик рўйхати 4 йилгача бўлган мuddатда расмийлаштирилади. Вақтинча консуллик рўйхатига олиниш учун юкорида айтиб ўтилган тегишли хужжатлардан ташҳари, тегишинча қўйидағилар тақдим этилади:

➤ хизмат сафари тўгрисидаги бўйрӯқ ёки хизмат сафари гувахномасининг нусхаси;

➤ ўқиши жойидан маълумотнома ёки бошқа тасдиқловчи хужжатлар;


➤ Ўзбекистон ёки бўлиб турган мамлакат тибиёт муассасаси томонидан берилган тибий хужжатлар;

➤ хорижга ишлашига чиқиб кетганлар учун иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат шартномасидан нусхаси;

➤ никоҳ тузилганлиги тўгрисидаги гувахноманинг (оиласи билан бирлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетганлар учун) ҳамда болаларнинг туғилганлик тўгрисидаги гувахномалари нусхалари;

➤ Доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобига қўйиш учун интерактив консуллик хизматлар веб-портала-

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



ли орқали мурожаат қилганда юкорида кўрсатилган хужжатларнинг «PDF» форматида сканер қилинган нусхалари жўнатилади.

Юкорида кўрсатилган барча хужжатлар тақдим этилган вақтнинг ўзида консуллик мансабдор шахс-

тидан, ариза берувчининг шахсини тасдиқлайдиган хужжататга имзо қўяди, консуллик муассасасининг мухрини босади ва консуллик рўйхатига олиш санасини кўрсатган ҳолда тегиши ёзувни қайд қилади;

иқкинчидан, ЯҲХТ маълумотлар базасига вақтинча консуллик рўйхатига олинган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон почта манзилига вақтинча консуллик рўйхатига олинганлик тўгрисидаги тегишли хабарномани жўнатади.

Учунинг кўрсатилган барча хужжатларни тақдим этилган вақтнинг ўзида консуллик рўйхатига олинганлик тўгрисидаги тегишли хабарномани жўнатади.

Агар инсоннинг бўлиб турган мамлакатида яшашни давом этириш истаги бўлганда, консуллик мансабдор шахси вақтинча консуллик рўйхатига олиш муддатининг тугашидан бир ой оддин уни узайтириш учун мурожаат қилиши зарурлиги ҳақида, мурожаат қилинмаган ҳолда – унинг консуллик хисобидан чиқарилиши ҳақида огохлантиради.

Кўйидаги ҳолларда фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик рўйхатидан чиқарилиши мумкин:

➤ бошқа консуллик округига доимий яшашиб чиқиб кетганда;

➤ хорижда вақтинча бўлиб туриши муддати тугағанда;

➤ Ўзбекистон фуқаролигидан чиққанда (фуқаролики йўқотганда);

➤ вафот этганда.

Фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобидан чиқиши учун тегишли ариза билан шахсан ёки ишончила вакил орқали консуллик муассасасига мурожаат қилидилар. Шахсан келишининг имкони бўлмаганда, ариза почта ёки электрон почта манзили орқали консуллик мансабдор шахсни хабардор қилиши ва унинг келиб тушгани тасдиғини олиш шарти билан юборилиши мумкин.

Консуллик рўйхатидан чиқаришда консуллик мансабдор шахси томонидан аризачининг рўйхатига олиш варақасига (электрон рўйхатига олиш варақасига) тегишли ёзув киритилади ва унинг шахси тасдиқловчи хужжатига рўйхатдан чиқарилганлик тўгрисида штамп, гербли муҳр ва консуллик мансабдор шахснинг имзоси қўйилади.

Интерактив хизматлар веб-портали орқали консуллик рўйхатига олинган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатидан чиқариши тегишли хабарномани уларнинг электрон почта манзилига юбориш орқали электрон шаклда амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистонда бўлиб турган фуқароларига бўлмаган шахсни консуллик рўйхатидан чиқаришда штамп, гербли муҳр ва консуллик мансабдор шахснинг имзоси қўйилади.

Хужжат Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.02.2020 йилдан кучга кирди.

Анвар Иркаджоев, «Norma» МЧЖ эксперти.

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

NORMA

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиш

Тошкент ш., Миробол тумани, Ганибеков мкрн. кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Реклама

Ҳисоблагич «тескари» ишлаганда нима қилиш керак?

Пойтахтда замонавий электр ҳисоблагичларнинг оммавий тарзда ўрнатилиши истеъмолчилар асосий қисмини бир зумда қарздорларга айлантириди-қолди. Кўпчиликнинг ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларни эскиларига қараганда кўпроқ кўрсатиб, худди гаплашиб олгандек, «ёғон ишлай» бошлади. Ўз нафабатида, электрдан фойдаланганлар учун нореал тўловлар ҳисобланishi кўпайди. Одамлар нак бошини чангальлаши: қайси бирига ишониш керак? Ҳисоблагич бир кўрсаткичини берса, етказиб берувчининг SMS хабарида бошқа рақам, шахсий кабинетдаги тўланиши керак бўлган ҳақ эса яна бошқача кўрсаткичда...

Истеъмолчиларга эски ҳисоблагичлар электр энергияси истеъмолини чала ҳисоблаган, эндиғиси эса миданд-сиригача ўлчайди, деб тушунтириди. Умуман олганда эса, фуқароларнинг ўзлари айборд: электр кувватидан ироғарчлилар билан фойдаланнишида-да, кейин ҳисоблагич «чириллатиб ёзибди», дейишиди.

Электрон ҳисоблагичларни ўрнатган абонентларнинг кўпчилигига эса кўрсаткичлар 2-3 баравар ва ундан ҳам юқорига кўтарилиб кетган. Баъзиларда бу кўрсаткич ҳатто бир неча кунда 1 000 кВт гача етган – атайин соҳалаганда ҳам бунга эришиш кўйин. Бошқаларнинг ҳисоблагичлари эса ўчирилган ҳолатда ҳам тезлини пасайтирган.

Гап шундаки, ҳаммасига ҳисоблагичлар наридан-бери, шошма-шошарлик билан ўрнатилгани сабаб бўлди. Бунда Энергия ресурсларини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электр энергияси ва табии газни ҳисобга олишнинг замонавий ускуналарни ўрнатни тартиби тўғрисидаги низом (AB томонидан 4.05.2018 йилда 3005-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талаблари

хам бузилган. Ишлар истеъмолчилар ва Мажбурий ижро бюроси (МИБ) вакилларининг иштирокчисиз ўтказилган. Ҳисобга олиш ускуналаридан қандай фойдаланиш қераклиги тушунтирилмаган. Эски ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларни қайд этмаган ҳолда ёчиш-ўрнатиши даголатномалари тузилганин. Замонавий электр ҳисоблагичларни ўрнатни тартиби ҳақида «Норма маслаҳатчи» газетасининг 1.10.2019 йилдаги 40-сонида мавзувий чиқишада батафсил тушунтириш берганни.

Хўш, энди биз нима истаймиз? Истеъмолчиларга шунча бош оғригини бирданига яратиб берган мутасдидларнинг масъулитларизиги оқибатида ҳисоблагичларнинг «эси оғиб қолди» шекили. Бир жойда пухта уланмаган, бошқа жойда симлар чалкаштириб юборилган. Қаёрададир ҳисоблагичлар адашиб бошқа квартиralарга улаб берилган. Уларнинг бир қисми эса умуман брак чиққан. Шундок ҳам такомиллашмашган ҳисоб тизими ҳақиқатдан йирок бўлган рақам ва сонларни кўрсанда бошлади. Қарздорликлар бўйича баҳс-низолар авж олди.



Энергетика вазирлигига савол: чираб бўлмайдиган бундай мансаб совуқонлиги учун ўрнатилиши шешига жалб этилган пудрат ташкилотининг жиппа курса бир нафар ҳодими жазоландими? Ахир истеъмолчиларни электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) билан бирлаштирилган замонавий ҳисобга олиш ускуналари билан жиҳозланиш энергетика тармоғини модернизация килишнинг устуворларидан ҳисобланади. Олдинда замонавий газ ҳисоблагичларни, совуқ сув ва иссиқ сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатиши ишлари туриди. Ўрнатиш ишларининг биринчи тўлкунидан хулосалар чиқариладими ёки яна ҳаммаси ҳайбаракаллачилар билан ўтармикин? Ҳозирда Монополияга қарши курашиш кўмитаси, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг аралашви туфайли муммонинг кескинлашви бироз юмшади. Электр ҳисоблагичларни ўрнатиш давом этмоқда. шунга кўра фуқаролар саволларни беришда ҳам давом этәтилар.

Ҳисобга олиш ускуналари нотўғри ўрнатилган ҳолат учун 12 маслаҳат

1. Янги электр ҳисоблагич ўрнатилгандан кейин у электр таъминоти ташкилотида рўйхатдан ўтганилгига ишонч ҳосил қўлиш, етказиб берувчининг сайтидаги шахсий кабинетда ёки ҲЭТнинг официда шахсий ҳисобварақ ҳолатини текшириш лозим.

2. Электр ҳисоблагич ўрнатилгандан кейин сизда қарздорлик вужудга келган бўлса, тўлов бўйича барча квантитатиарининг ҲЭТ маълумотлар базасига киритилган-киритилмаганини текширинг, уларни етказиб берувчининг ҳисоб маълумотлари билан солиширилган кўринг. Ҳисобланган тўловларни қоғозга чиқартириб олинг.

3. Янги ҳисоблагич сизнинг иштирокингиздан ўтказилган бўлса, қарздорлик қайси даврдан бўён бошланганлиги, олдинги ўлчов ускунасининг кўрсаткичлари қайд этилган-етилмаганини, етказиб берувча кўрсаткичларни тасдиқловчи даголатнома ёки фотосурат бор-йўклигини аниқлаштиринг.

4. Ҳисоблагич ўрнатилгандан кейин унинг кўрсаткичлари ошириб юборилган деб ҳисобласангиз, дарҳол ёзма равишда ҲЭТга мурожаат қўлиниг. Электр таъминоти ташкилоти вакили уланни тўғрилигини текшириши, нотўғри ҳисобланган ҳолатларни тузиши, даголатнома тузиши ва мана шадалогатнома асосида сизга тўловларни қайта ҳисоблаш бершилари керак бўлди.


5. Агар абонент ва ҲЭТ ходимининг ҳисоблагич тўғри ишлайдиган хусусидаги фикрлари ҳар хил бўлса ёки электрик нотўғри кўрсаткичлар сабабини аниқлай ололмаётган бўлса, у ҳолда ҳисоблагични «Ўзстандарт» органларидаги текширириб (киёсловдан ўтказиш билан чалкаштирилмасин) олиш керак. Текширувни етказиб берувчи ўтказади. Сабаби гап фойдаланиш жараёнида абонент айби билан юз берган носозликлар ҳақида кетаётганий йўқ, балки гап ҳисоблагични ўрнатиш вақтидаги носозлик ҳақиқадир. Лекин ҲЭТ ходимлари ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, бундан бош тортадилар. Шунинг учун вақтни йўқотмасдан, истеъмолчининг ўзи ҳисоблаш ускунасини текширувга олиб бориши мумкин.

6. Ҳисоблагични текшириш учун ёчиш-ўрнатиш ҲЭТ ходими томонидан истеъмолчи ва МИБ ходими иштирокда амалга оширилади. Бунда ёчиш-ўрнатиш даголатномаси тузилади. Агар экспертиза янги ҳисоблагични носоз (истеъмолчининг айбисиз) деб топса, у ҳолда ҲЭТ олдинги ҳисобот даври учун ўртacha суткалик истеъмол асосида нотўғри ҳисобланган суммани қайта ҳисоблаш амалга оширилади. Бу ҳолда ҳам етказиб берувчи текширув ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни истеъмолчига қорлаб беради.

7. Агар муаммо ускунани ўрнатища эмас, балки ҳисоблагичнинг ўзида бўлса ва экспертиза ундан кейинчалик фойдаланиш мумкин эмаслигини эътироф этса (яъни брак бўлса), у ҳолда етказиб берувчи янги ускунани ўз ҳисобидан ўрнатиб бериши шарт.

8. Агар ҳисоблагичларни ўрнатиши чоғидаги майдончадаги кўшиларнинг квартиralари чалкаштириб юборилган ва оқибатда бир истеъмолчига кўшиларнинг ҳисобидан кўпроқ тўлов ҳисоблагич юборилган бўлса, буни ҳал қилишининг 2 та йўли бор. Аввалига тушунмовчиликни кўшичиласига бартараф этишга ҳаракат қилиб кўриш лозим. Яъни тўловларни солишириб кўриш, тафовутни тўлаб кўйиш мумкин. Агар бу усул ис бермаса, у ҳолда ҲЭТ ходими даголатнома тузиб, унда ҳисоблагичлар ва абонентлар рақамларининг мумвофиқлиги қайд этилади, ана ша асосда уларга қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

9. Истеъмолчи электр ҳисоблагичнинг бир нечта асосий параметрларидан ҳабардор бўлиши лозим. Улар ўнг томонда жойлашган «Поиск» («Қидирив») тутмачаси билан бошқарилади. Тутмача бир марта босилганда ҳисоблагичнинг рақами қайд этилади (С.1.0 функцияси). Иккى марта босилганда – ани лайтдаги умумий



фаол энергия қайд этилади (15.7.0). Тутмачага 5 марта босилса, жорий ойдаги умумий фаол энергиянинг миқдори билиб олинида (15.8.0). Олдинги ойдаги умумий фаол энергияни (15.8.0.1) функцияси кўрсатади.

Ҳисоблагичнишида хатолик бўлганда қизил тутмачалар ёнади. Бундай ҳолларда истеъмолчи ҲЭТ билан боғланши қерак. Бу кўпинча ҳисоблаш ускунаси нотўғри ўрнатилганидан дарак беради.

10. Агар сиз ҳисоблагич кўрсатмаларини нотўғри деб ҳисобласангиз, ҲЭТ ходимига талабнома тақдим этишдан олдин электр энергиясининг суткалик истеъмолини ўзингиз ҳам текшириб кўрсангиз бўллади. Бунинг учун барча электр ускуналарини ўтирасиз. Кейин галма-галдан ҳар битта машини ускунани бирма-бир ёқасиз ва бир соат давомида ҳисоблагич истеъмол қўйлан кувватнинг миқдорига қарайдиз. Ҳисоблагичнинг экранида бу функция 15.7.0 билан рақамланган. Шундан сўнг ҳар бир электр ускуна бўйича олинган маълумотларни суткадаги унинг ишлатилиш вақтига кўпайтирасиз ва барчасини кўшасиз. Барча ускуналарнинг ҳақиқатдаги суткалик электр истеъмол кўрсаткичига эга бўласиз. Шундан кейин ҳисоблагичнинг кўрсаткичларни 15.8.0 функцияси остига ёзасиз ҳамда айнан бир суткадан сўнг шу жойнинг кўрсаткичига қарайдиз. Ушбу кўрсаткичлар орасида ҳосил бўлган фарқ бир сутка учун ҳисобланган электр энергияси истеъмоли ҳисобланади. Ана ундан кейин ҳисобланган кўрсаткичларни ҳақиқатдаги истеъмол билан солишириласиз. Агар фарқ катта чиқса, демак ҳисоблагич нотўғри ишлайдиган бўлади.

11. Ўй ичидағи электр тармоқларининг эскирганилиги, йўлақадаги электр шчитларда носозликлар бўлганда ҳисоблагич нотўғри кўрсаткичларни бериши, тегишили равишда, ҳақиқатдан йирок қарздорликлар ҳисобланishi мумкин. Ўй ичидағи электр хўжалиги учун жавобарлик ХУМШ зиммасида бўлади.

12. Агар истеъмолчи электр ҳисоблагич нотўғри ўрнатилганилиги ва шундан келип чиқадиган муммаларни ўзи мустақил ҳал қила олмайтган бўлса: Монополияга қарши курашиш кўмитасига 71-207-47-00, 71-207-48-00, ҳамда «Худудий электр тармоқлари» АЖга 71-233-01-28, 78-150-75-64 телефон рақамлари билан кўнғироқ қилиш мумкин.

Ирина Гребенюк, ўз мухбиримиз.

Ижара шартномаси: қачон рўйхатдан ўтиш зарур

Жисмоний шахс (ижарага берувчи) ва юридик шахс (ижарага олувчи) ўртасида 2019 йил 3 янеардан 2024 йил 30 декабргача тузилган нотуар жойининг ижара шартномаси 2019 йилда солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилган. Мол-мulkни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 2020 йилдан оширилган.

Ижара тўлови миқдори ўзгарганда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида нотуар жойларнинг ижара шартномасини рўйхатдан ўтказиш тартиби қандай бўлади?

– Жисмоний ва юридик шахслар ўртасида нотуар жойларнинг ижара шартномаси тузилаётганда солиқ инспекциясида ҳисобга кўйиш талаб қилинмайди.

Фақат жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаси тузилганда мажбурий ҳисобга кўйиш керак (Низом, АВ томонидан 11.10.2018 йилда 3077-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Бунда, ижарага бериш шартномаси бир йилдан кам бўлмаган муддатта тузилса, у ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ФК 574-м. 4-к.).

Шу тариқа, ижарага бериш шартномасининг шартларига киритиладиган ўзгаришилар солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилмаслигий керак.

Наргиза Турғунова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Лимитдан ошдими – тўланг!

Газ таъминоти ташкилоти қишики даерда истеъмолчи – юридик шахсга муайян лимит беради. Истеъмолчи ушбу лимитдан ортиқча истеъмол қиласа, газ таъминоти ташкилоти лимитдан ортиқча истеъмол учун иккى ҳисса тўлашга мажбур қиласди. Газ таъминоти ташкилотининг ҳаракатлари тўгрими?

– Газ таъминоти ташкилотининг ҳаракатлари тўғри.

Истеъмолчи томонидан газ етказиб беришга тузилган шартномада белгилангандан кўп ҳажмда олинган тақдирда истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўловundiрилди (Низомнинг 10-банди, ВМнинг 26.05.2005 йилдаги 132-сон қарорига 1-шовга).

Ҳисбот – давлат сири эмас

Ўзбекистон фойдали қазилмаларининг захиралари ҳисоби ва ҳисбот балансларини тузисига доир ўйрۇнамада нефть захираларининг баланси (6-ГР шакли), газ захиралариниң баланси (7-ГР шакли) шакллари келтирилган.

Ер қарордан фойдаланувчи томонидан мазкур ҳисботларда кўрсанадиган ахборот давлат ёки хизмат сири ҳисобланмайдими?

– Йўқ, ҳисобланмайди.

2019 йил 2 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмаларининг захира на ресурслари, уларнинг қазиб олиш, ишлаб чиқариши ва сотиши ҳажмлари, маблагларнинг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни расман эълон қилиш бўйича чекловлар олиб ташланган (1.02.2019 йилдаги 77-сон қарорига 1-б.).

Альберт Сафин, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лоғаҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар 200-00-59 телефони орқали (шаҳарлардо қўнгироқлар учун кодлар: узли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига эксперталаримиздан эжасоб олишилари мумкин. Ҳафтанинг 5 куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вакти соат 13.00 дан 14.00 гача.

Иктисолий-хукукий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУСУС
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАССИСИЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатта олинди.

Рўйхат рагами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош мұхаррир
Фарход Собирович
КУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош мұхаррир
үрінбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Сахифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимартарон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sdx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
[web: norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериси ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон раҳаматларига
мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPRINT» М-ЖКнинг компьютер базасидан терниди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсанаки – 186. Қоғоз бўйими – А3. Ҳамми – 2 босма табоб. Бахсон келишилган нархда.
Буюртма г-322. Адади 710. Газета 2020 йил 9 март соат 15.00 дан топширилди.



Расмий иш юритувда давлат тили

Хусусий тиббиёт ташкилотида тиббий ҳужжатларни (шифокорнинг кўчирмалари, хуносалари) давлат тилида юритиш мажбуриими?

– Жамоанинг катта қисми қайси тилга эга бўлса, ана шу тилда ҳужжатларни юритса оласиз.

Иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатларни давлат тилида шу билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам юритилиши мумкин. Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари мухларни, тамғалари, иш қозғаларининг матнларни давлат тилида бўлади («Давлат тили ҳақида»ги Конуннинг 10, 19-моддадарига доимий реквизитлари давлат тилида ёзилади (Йўриқнома-нинг 6-банди)).

Шу тариқа, конун ҳужжатларни хусусий тиббиёт ташкилотида тиббий ҳужжатларни давлат тилида юритиш мажбуриятини белгиламайди, мухлар, тамғалар, иш қозғаларининг матнларини акс этишириш бундан мустасно.

Ишончномадаги муҳр

ТМБни олишига ишончномада асосий бўлмаган муҳрни қўйса бўладими?

– Йўқ, бўлмайди.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) босилади (ФКнинг 138-моддаси). Амалиётда раҳбарнинг имзоси доим асосий муҳр билан тасдиқланади.

Ишончнома бошлангич ҳисоб ҳужжати ҳисобланади. Товар-моддий бойлик-

Наргиза Воҳидова, «Norma» МЧЖ эксперти.